Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 24 июнь, шанба. №75 (21.838.) Сотувда эркин нархда.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли андижонлик биродарлар!

Давлатга 87 минг тоннадан зиёд ғалла сотиб, бу борадаги режани муваффақият билан адо этганингиз билан чин дилдан қутлайман!

Машаққатли меҳнат ва омилкорлик билан етиштирган мўл ҳосилингиз ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга, халқимизга фаровон турмуш яратиб беришга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Андижоннинг файзу баракали далаларида фидокорона ишлаган барча меҳнаткашларга самимий ташаккур билдираман.

Сизларга тинчлик, сиҳат-саломатлик, ғайрат ва шижоат тилайман.

Хирмонларингиз бундан ҳам юксалсин, меҳнатингизнинг роҳатини кўринглар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Шу йил 6 майда мени Жаҳон банки президенти лавозимига тайинланганим билан табриклаб, республикангизга таклиф қилиб юборган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Сизнинг Жаҳон банки мамлакатингиз иқтисодиётини ўзгартириш жараёнига бераётган кўмагига, шунингдек, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига катта аҳамият бераётганингизни билиб, хурсанд бўлдим.

Жаҳон банки гуруҳи бундан буён ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва республика аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган интилишларини қувватлайверади, деб сизни ишонтиришга рухсат этгайсиз. Шу йил кузда Ўзбекистонга бориш ва шахсан Сиз билан учрашиш мен учун кўнгилли воқеа бўлади.

Самимий ҳурмат билан

Жеймс Д. ВУЛФЕНСОН,
Жаҳон банки президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ ВА «ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари, «Кўкдумалоқ» конида газни комплекс тайёрлайдиган қурилмани барпо этиш ва уни ишга туширишни таъминлашга қўшган ҳиссалари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан қурувчи»

АКИЕВ Жўра Саидович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» трестига қарашли Муборак қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан саноат ходими»

КЕЛЕШ Иван Радионович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Мубораклгаз» газ кони бошқармаси бошлиғи

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

ОБИДОВ Иброҳим Ҳамроқулович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Мубораклнефтгазмонтаж» трестига қарашли 9-ихтисослаштирилган бошқармасининг электр пайвандчиси

ЛАПШИН Александр Иванович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат-акционерлик бирлашмаси «Бухорогазсаноатқурилиш» трести бошқарувчисининг ўринбосари

ТОШПЎЛАТОВ Шуҳрат Нодирович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасининг 93-махсус трестига қарашли Қарши махсус монтаж бошқармасининг газ пайвандчиси

ШОСЕЙТОВ Йўлдош — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмасининг «Мубораклгаз» газ кони бошқармасига қарашли «Кўкдумалоқ» конининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 22 июнь.

ҚЎШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг таклифига биноан, Украина Президенти Л. Кучма 1995 йил 20-21 июнь кунлари Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф чоғида дўстона давлатларнинг Президентлари икки томонлама ҳамкорликка доир кўплаб масалалар, ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро муаммолар юзасидан музокара олиб бордилар. Улар бир-бирларини ўз мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, давлатчилик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар билан таништирдилар.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Украинанинг бир-бирига яқинлашиш сари тобора кучайиб бораётган ҳаракатини, ўртада мунтазам сиёсий мулоқот ўрнатилганини, бу мулоқот вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа тузилмалар иштироки ҳисобига, томонларнинг Ўзбекистон—Украина муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлларини излашга интилаётгани туфайли янада кенгайиб бораётганига ижобий баҳо бердилар.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги анъанавий сиёсий ва иқтисодий алоқалар, кўпгина долзарб масалалар бўйича Президентларнинг қарашлари ўхшашлиги ва яқинлиги томонларнинг МДҲ доирасида, халқаро ташкилотларда ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушуниб етиши — икки томонлама ҳамкорликнинг барча имкониятларидан миллий манфаатларни кўзлаб, тўла ва самарали фойдаланишга ва муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон бераётгани таъкидланди.

Музокара иштирокчилари Ўзбекистон—Украина муносабатларининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан улар ташриф чоғида бир қанча битимнинг имзоланишини, шу жумладан, Ўзбекистон—Украина ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўллари тўғрисидаги Декларация, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон билан Украина ҳукуматлари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ва бошқа айрим битимларнинг имзолангани муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидладилар. Президентлар мазкур ҳужжатлардаги қоидаларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли тармоқларидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон — Украина савдо-иқтисодий муносабатларига доир масалалар музокараларда устивор ўринда бўлди. Президентлар эътиборни иқтисодий ҳамкорлик соҳасида фойдаланилмаётган катта имкониятларга қаратдилар ва алоқаларнинг бозор муносабатларига мос келадиган янги шаклларини молия воситаларидан, давлатларнинг саноат ва илмий-техника салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар. Томонларнинг фикрича, бу жараёнда тўпланган тажриба, миллий Фанлар академиялари тизимларидаги институтлар ва муассасаларнинг илмий ишланмалари ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Давлат бошлиқлари кон қазиш саноатида, илм-фанга асосланган технологияларни ишлаб чиқишда, машинасозлик соҳасида, аграр-саноат мажмуида, нефть ва газни биргаликда қидириш ва бу қазилмалардан фойдаланишда ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан саъй-ҳаракатларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ҳар икки томоннинг жаҳон бозорига чиқиш учун замонавий технология билан қўшма тузилмалар барпо этишни рағбатлантириш истаги баён қилинди.

Томонлар имзоланган битимларни, эришилган ахдномаларни рўёбга чиқаришни, янги лойиҳаларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишни, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштиришни назорат қилишнинг қўшни универсал механизмларини яратишни ёқлашларини баён қилдилар. Ўзаро манфаатли асосда маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида ахдномага эришилди. Шунингдек, эркин савдо тартибини ўрнатишда изчил ҳаракат қилиш ва Ўзбекистон билан Украина ўртасида имзоланган битимларнинг барча қоидаларига тўла амал қилиш, бу битимларнинг қабул қилинган бошқа мажбуриятлар асосида қайта кўриб чиқилишига йўл қўймаслик тўғрисида келишиб олинди.

Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тараққиётидаги замонавий тамойилларни муҳокама қилдилар, МДҲ фаолиятида иштирок этиш шакллари кўп қирралари бўлишини ёқлаб, давлат ҳокимияти миллий органларининг ваколатларини миллатлардан устун турадиган тузилмаларга топширишга қарши чиқдилар. Улар Тожикистондаги, МДҲ ҳудудидаги бошқа «қонталаш нуқталар»да вужудга келган вазият хусусида фикр алмашдилар, бу жойлардаги мавжуд муаммоларни фақат сиёсий, тинч воситалар билан ҳал қилишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари инсонпарварлик соҳасида, шу жумладан, Украинадаги ўзбекларнинг ва Ўзбекистондаги украинларнинг маънавий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, кўчириб юборилган халқларга ёрдам бериш соҳасида давлатларнинг муносабатларига доимий эътибор беришларини айтдилар.

Томонлар давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар учун анъанавий бўлган дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган ташрифнинг натижаларини ижобий баҳоладилар.

Президентлар ҳозирги ташриф Ўзбекистон—Украина ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга жиддий таъсир ўтказади, Ўзбекистон ва Украина халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Қ. ҲАЙИТБОЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизматлари, республикада маданиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 июнь

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Грознийдаги музокараларнинг учинчи кунида Россия Федерацияси ҳукумати билан Жавҳар Дудаев вакиллари ўртасида бир қанча ҳарбий масалалар бўйича протокол имзоланди. Ҳужжатга кўра икки томон ҳам бир вақтнинг ўзида ўт очишни тўхтатиш ҳақида қарор чиқаради. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат этиш мақсадида ҳарбийлар, диний ташкилотлар вакиллари ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти миссияси ходимларидан иборат махсус комиссия тузилади.

Келишувга кўра Чеченистондаги қуролли гуруҳлар батамом қуролсизлантирилади ва федерал қўшинлар босқичма-босқич бу ердан олиб чиқиб кетилади. Чеченистон ҳудудида Россия Федерациясининг ички ишлар ва ҳиёда қўшинларидан иборат бўлинмалар доимий равишда қолдирилади. Музокаралар давом этмоқда.

МУАММОНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ УМИДИ

Америка Қўшма Штатлари давлат департаменти вакили Николас Бернс журналистлар учун доимий равишда уюштириладиган учрашув чоғида Чеченистонда ўтказилаётган музокараларга алоҳида тўхталди. У ўз ҳукумати Россия Федерацияси ва Жавҳар Дудаев кучлари Чеченистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга киришганлари мамнун эканини билдирди. «Биз ўт очиш бутунлай тўхтатилади ва томонлар муаммони фақат тинч йўл билан ҳал этади, деган умиддамиз», деди у.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Украина Олий Радаси раиси Олег Мороз бошчилигидаги парламент делегацияси расмий ташриф билан Молдовага келди. Молдова парламенти раиси Петр Лучинский «Ушбу ташриф икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади», деб умид билдирди. Украина делегацияси ташриф давомида Молдова Президенти, Бош вазири, ташқи ишлар вазири ҳамда парламент фракциялари вакиллари билан учрашиб, Украина—Молдова муносабатларига доир масалаларни муҳокама этадилар.

СЕССИЯ БОШЛАНДИ

22 июнь куни Беларусь пойтахти Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро экологик кенгашининг олтинчи сессияси бошланди. Унда МДҲ ҳудудида хавфли юклар ва чиқиндиларни ташиш, йўқотиш арафасида турган гиёҳлар билан савдо қилиш каби бир қанча масалалар муҳокама этилади. Сессияда МДҲга аъзо давлатларнинг табиатни ҳимоя қилиш ташкилотлари вакиллари, МДҲнинг парламентлараро ассамблеяси қўзғатувчилари ҳамда БМТнинг атроф-муҳит ҳимояси бўйича дастури (ЮНЕП) мутахассислари иштирок этмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мустақиллик манзаралари



Қайрилмас қанотларимиз бор...

Владимир МОЛГАЧЕВ.

ЎҚИШГА

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига 1995/96 ўқув йили учун қуйидаги

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ:

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(700095, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, тел. 465407)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; механика; геология; гидрометеорология; тупроқшунослик; физика; астрономия; кимё; биология; экология ва табиатдан фойдаланиш; иқтисодиёт; фалсафа; психология; география; социология; тарих; ҳуқуқшунос-педагог; журналистика; ўзбек филологияси; рус филологияси; роман-герман филологияси; политология; фалсафа ва мантиқнинг бутун жаҳон тарихи.
Сиртқи бўлим:
тупроқшунослик; география; гидрометеорология; ўзбек филологияси; рус филологияси; фалсафа; журналистика; тарих; иқтисодиёт.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
(700068, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, тел. 460463)
Кундузги бўлим:
менежмент; дизайн; автоматлаштириш ва бошқарув; электроника ва микроэлектроника; лойиҳалаш ва электрон воситалари технологияси; информатика ва ҳисоблаш техникаси; металлургия; ер усти транспорт воситалари; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; агромуҳандислик; тоғ-кон иши; геология ва фойдали қазилмалар разведкаси; нефть ва газ иши; иссиқлик энергетикаси; электротехника, электромеханика ва электротехнология; электроэнергетика; метрология, стандартлаш ва сертификатлаш.
Сиртқи бўлим:
менежмент; автоматлаштириш ва бошқарув; металлургия; ер усти транспорт воситалари; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; тоғ-кон иши; геология ва фойдали қазилмалар разведкаси; нефть ва газ иши; иссиқлик энергетикаси; электротехника, электромеханика ва электротехнология; электроэнергетика.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
(700063, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, 149, тел. 454346)
Кундузги бўлим:
маркетинг; иқтисодиёт; иқтисодиётдаги ахборот тизимлари; менежмент.
Сиртқи бўлим:
иқтисодиёт; маркетинг.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
(700015, Тошкент ш., Собир Юсупов кўчаси, 21, тел. 750991)
Кундузги бўлим:
роман-герман филологияси:(инглиз филологияси; немис филологияси; француз филологияси, испан филологияси); рус филологияси.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
(700100, Тошкент ш., Горбунов кўчаси, 5, тел. 531058)
Кундузги бўлим:
технологик машиналар ва асбоб-ускуналар (тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва жиҳозлари; полиграф машиналари; материалларни бадиий ишлаш технологияси); менежмент (тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; полиграфия; кимёвий технология ва биотехнология.
Сиртқи бўлим:
менежмент; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
(700084, Тошкент ш., Х. Асомов кўчаси, 7, тел. 345538)
Кундузги бўлим:
молия ва кредит; иқтисодиёт.
Сиртқи бўлим:
молия ва кредит; иқтисодиёт.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
(700000, Тошкент ш., Мовароуннахр кўчаси, 20, тел. 339009)
Кундузги бўлим:
технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; ер усти транспорт тизимлари; менежмент (транспорт корхоналарида бошқарув ва ташкил этиш; йўл, кўприк ва тоннель қуришларида бошқарув ва ташкил этиш); қурилиш (автомобиль йўллари ва аэродромлар; кўприклар ва транспорт тоннеллари); транспорт воситалари эксплуатацияси; иқтисодиёт (транспортда бухгалтерлик ҳисоботи ва аудит); электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар (автомобиль ва тракторлар электр жиҳозлари); маркетинг.
Сиртқи бўлим:
менежмент; иқтисодиёт; қурилиш; транспорт воситалари эксплуатацияси.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
(700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, тел. 411262)
Кундузги бўлим:
қурилиш; менежмент (қурилишда бошқарув ва ташкил этиш; шаҳар хўжалиги маиший ва коммунал хизматида бошқарув ва ташкил этиш); амалий геодезия; архитектура; тарғибот ва ташвиқотнинг тасвирий воситалари; иқтисодиёт (қурилиш иқтисодиёти ва бухгалтерлик ҳисоботи); информатика ва ҳисоблаш техникаси.
Сиртқи бўлим:
менежмент; иқтисодиёт; қурилиш.

ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(700029, Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 1, тел. 563670)
Кундузги бўлим:
кимёвий технология ва биотехнология; менежмент (кимё саноати тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси.
Сиртқи бўлим:
кимёвий технология ва биотехнология; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
(700060, Тошкент ш., Лохутий кўчаси, 15, тел. 335224)
Кундузги бўлим:
шарқ филологияси; шарқшунослик - африканистика; Марказий Осиё халқлари тарихи; Осиё ва Африка мамлакатлари иқтисодиёти; Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро алоқалари тарихи.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ
(700117, Тошкент ш., Охунбобоев кўчаси, 12, тел. 330742)
Кундузги бўлим:
менежмент; авиа ва ракетасозлик; авиа ва космик техникалар эксплуатацияси.
Сиртқи бўлим:
авиа ва космик техникалар эксплуатацияси.

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(710000, Андижон ш., Университет кўчаси, 129, тел. 50831)
Кундузги бўлим:
математика; кимё; физика; биология; тарих; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); жисмоний маданият; география; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.
Сиртқи бўлим:
биология; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); тарих; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
(710011, Андижон ш., Бобур шох кўчаси, 5, тел. 44373)
Кундузги бўлим:
рус тили ва адабиёти; роман-герман филологияси (инглиз тили ва адабиёти; немис тили ва адабиёти; француз тили ва адабиёти).

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
(710019, Андижон ш., Бобур шох кўчаси, 56, тел. 56235)
Кундузги бўлим:
менежмент (маиший хизмат кўрсатиш, машинасозлик тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); иқтисодиёт; молия ва кредит (солиқ ва солиққа тортиш; нарх белгилаш); иқтисодиётдаги ахборот тизимлари; маркетинг; кимё технологияси ва биотехнология; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; ер усти транспорт тизимлари (автомобилсозлик); технологик машиналар ва асбоб-ускуналар.
Сиртқи бўлим:
менежмент; иқтисодиёт; маркетинг; молия ва кредит; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(705018, Бухоро ш., «Ўзбекистон 40 йиллиги» кўчаси, 11, тел. 30170)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; физика; кимё; биология; география; ўзбек филологияси; рус филологияси; роман-герман филологияси (инглиз, немис, француз тиллари); тожик тили ва адабиёти; тарих; педагогика ва психология (мактабгача); касбга ўқитиш; миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; чизмачилик ва тасвирий санъат; мусиқа-педагогика; жисмоний маданият; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; агрономия; агромуҳандислик (қишлоқ хўжалигини механизациялаш); тупроқшунослик; иқтисодиёт; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.
Сиртқи бўлим:
кимё; биология; ўзбек филологияси; тарих; жисмоний маданият; чизмачилик ва тасвирий санъат; иқтисодиёт; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; педагогика ва психология (мактабгача).

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(705017, Бухоро ш., Қ. Муртозоев кўчаси, 15, тел. 37984)
Кундузги бўлим:
технологик машиналар ва асбоб-ускуналар (тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат саноатлари ва маиший хизмат машиналари ва аппаратлари); касбга ўқитиш; менежмент (тўқимачилик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; қурилиш; нефть ва газ иши; электроэнергетика (электр таъминоти)
Сиртқи бўлим:
менежмент; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; технологик машиналар ва асбоб ускуналар; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(707000, Гулистон ш., 4 м-р, тел. 26672)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; агромуҳандислик; физика; кимё; биология; касбга ўқитиш; тарих; ўзбек филологияси; рус филологияси; инглиз тили; жисмоний маданият; иқтисодиёт; қозоқ тили ва адабиёти; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; касбга ўқитиш; чизмачилик ва тасвирий санъат.
Сиртқи бўлим:
физика; иқтисодиёт; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; тарих; касбга ўқитиш.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
(708000, Жиззах ш., Рашидов пр., тел. 35061)
Кундузги бўлим:
менежмент (қурилиш, транспортда бошқарув ва ташкил этиш); қурилиш; кимёвий технология ва биотехнология (ноорганик материалларнинг кимёвий технологияси; электрокимёвий ишлаб чиқариш технологияси; керамик моддаларнинг кимёвий технологияси); тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; транспорт воситалари эксплуатацияси; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; электроэнергетика (электртаъминот); агромуҳандислик (қишлоқ хўжалигини механизациялаш); информатика ва ҳисоблаш техникаси.
Сиртқи бўлим:
менежмент; қурилиш; транспорт воситалари эксплуатацияси; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси.

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(730006, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17, тел. 39573)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; касбга ўқитиш; экология ва табиатдан фойдаланиш; физика; кимё; биология; молия ва кредит (солиқ ва солиққа тортиш); ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); психология; география; социология; педагогика ва психология (мактабгача); тарих; рус филологияси (рус тили ва адабиёти); миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; роман-герман филологияси (инглиз, немис тиллари); мусиқа-педагогика; жисмоний маданият; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; иқтисодиёт; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; техникавий физика.
Сиртқи бўлим:
кимё; биология; география; экология ва табиатдан фойдаланиш; ўзбек филологияси; рус филологияси; тарих; иқтисодиёт; молия ва кредит; касбга ўқитиш; жисмоний маданият; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; мусиқа-педагогика.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
(730003, Қарши ш., К. Маркс кўчаси, 225, тел. 35816)
Кундузги бўлим:
агроиқтисодиёт; иссиқлик энергетикаси; электроэнергетика; нефть ва газ иши; агрономия; сабзавот ва меваларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси; ер тузилиши ва ер кадастри; агромуҳандислик (гидромелиоратив қурилиш; сув хўжалиги ва мелиоратив ишларини механизациялаш; қишлоқ хўжалигини механизациялаш).
Сиртқи бўлим:
агроиқтисодиёт, нефть ва газ иши; агрономия; сабзавот ва меваларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси; агромуҳандислик.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(742012, Нукус ш., Университет кўчаси, 1, тел. 31019)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; физика; кимё; биология; тупроқшунослик; география; экология ва табиатдан фойдаланиш; ўзбек филологияси; рус филологияси; роман-герман филологияси; журналистика; тарих; ҳуқуқшунослик; иқтисодиёт; молия ва кредит; кимёвий технология ва биотехнология; иқтисодиётдаги ахборот тизимлари; қозоқ тили ва адабиёти; туркман тили ва адабиёти; қорақалпоқ тили ва адабиёти; агроиқтисодиёт; агрономия; агромуҳандислик (қишлоқ хўжалигини механизациялаш); педиатрия иши; менежмент (қурилишда бошқарув ва ташкил этиш); қурилиш.
Сиртқи бўлим:
математика; ўзбек филологияси; қорақалпоқ тили ва адабиёти; тарих; ҳуқуқшунослик; иқтисодиёт; молия ва кредит; агроиқтисодиёт; агрономия; агромуҳандислик.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(716019, Наманган ш., Уйчи кўчаси, 316, тел. 64164)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; физика; кимё; биология; география; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); рус филологияси (рус тили ва адабиёти); роман-герман филологияси; тарих; иқтисодиёт; чизмачилик ва тасвирий санъат; декоратив-тасвирий санъат ва ҳунармандчилик; ҳуқуқшунос-педагог; касбга ўқитиш; педагогика ва психология; жисмоний маданият; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.
Сиртқи бўлим:
ўзбек филологияси; тарих; иқтисодиёт; жисмоний маданият; педагогика ва психология; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.

НАМАНГАН САНОАТ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(716003, Наманган ш., Дўстлик кўчаси, 12, тел. 42432)
Кундузги бўлим:
технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; қурилиш; кимёвий; технология ва биотехнология; транспорт воситалари эксплуатацияси; касбга ўқитиш; менежмент (машинасозлик, кимё саноати ва қурилиш тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; информатика ва ҳисоблаш техникаси; агромуҳандислик (қишлоқ хўжалигини механизациялаш).
Сиртқи бўлим:
менежмент; қурилиш; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; транспорт воситалари эксплуатацияси; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
(716024, Наманган ш., 3 м-р, Косонсой кўчаси, 7, тел. 26522)
Кундузги бўлим:
менежмент (тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида бошқарув ва ташкил этиш); тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; иқтисодиёт; молия ва кредит.
Сиртқи бўлим:
менежмент; молия ва кредит; тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(703004, Самарқанд ш., Навоий хиёбони, 15, тел. 352626)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; механика; электроника ва микроэлектроника; физика; кимё; биология; география; социология; педагогика ва психология; тарих; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); рус филологияси (рус тили ва адабиёти); журналистика; мусиқа-педагогика; тожик тили ва адабиёти; ҳуқуқшунослик; жисмоний маданият; экология ва табиатдан фойдаланиш; иқтисодиёт; касбга ўқитиш; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; педагогика ва бошланғич тарбия услубиёти.
Сиртқи бўлим:
механика; экология ва табиатдан фойдаланиш; тожик тили ва адабиёти; иқтисодиёт; касбга ўқитиш; жисмоний маданият.

САМАРҚАНД АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
(705017, Самарқанд ш., Лолазар кўчаси, тел. 373479)
Кундузги бўлим:
қурилиш; менежмент (қурилишда бошқарув ва ташкил этиш); ер усти транспорт тизимлари (юк кўтариш транспорти, қурилиш машиналари); архитектура; геодезия.
Сиртқи бўлим:
қурилиш; менежмент.

САМАРҚАНД ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
(703004, Самарқанд ш., Охунбобоев кўчаси, 93, тел. 311342)
Кундузги бўлим:
роман-герман филологияси (инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти, француз тили ва адабиёти); педагогика ва психология (мактабгача) инглиз тили қўшимча ихтисослиги билан.

МАРҲАМАТ!

олий таълим йўналишлари бўйича талабалар қабули эълон қилинади

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(732011, Термиз ш., Ф.Хўжаев кўчаси, 43, тел. 31758)
Кундузги бўлим;
математика; физика; кимё; биология; тупроқшунослик; география; экология ва табиатдан фойдаланиш; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); роман-герман филологияси (инглиз, немис тиллари); тарих; жисмоний маданият; молия ва кредит (солиқ ва солиққа тортиш); педагогика ва психология (мактабгача); касбга ўқитиш; миллий мактабларда рус тили; рус филологияси; менежмент (транспортда бошқарув ва ташкил этиш); иқтисодиёт; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; қурилиш (автомобиль йўллари, кўприк ва тоннеллар қурилиши); транспорт воситалари эксплуатацияси.
Сиртқи бўлим:
математика; биология; ўзбек филологияси; тарих; иқтисодиёт; касбга ўқитиш; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; транспорт воситалари эксплуатацияси; қурилиш.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(712000, Фарғона ш., Усмонхўжаев кўчаси, 19, тел. 42871)
Кундузги бўлим:
математика; физика; кимё; биология; география; психология; социология; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; касбга ўқитиш; тарих; жисмоний маданият; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; рус филологияси; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; ўзбек филологияси (ўзбек тили ва адабиёти); роман-герман филологияси; иқтисодиёт; даволаш - профилактика иши; ҳуқуқшунос-педагог, агроиқтисодиёт; экология ва табиатдан фойдаланиш.
Сиртқи бўлим:
география; ўзбек филологияси; тарих; иқтисодиёт; агроиқтисодиёт; жисмоний маданият.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
(712022, Фарғона ш., Фарғона кўчаси, 8, тел. 21576)
Кундузги бўлим:
технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; кимёвий технология ва биотехнология; электроэнергетика (электр таъминоти); иқтисодиёт (тармоқлар бўйича бухгалтерлик ҳисоботи ва аудит); менежмент (машинасозлик, кимё саноати ва қурилишда бошқарув ва ташкил этиш); озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; информатика ва ҳисоблаш техникаси; қурилиш; молия ва кредит (солиқ ва солиққа тортиш); Асбобсозлик маркази:
электроника ва микроэлектроника; асбобсозлик.
Сиртқи бўлим:
иқтисодиёт; кимёвий технология ва биотехнология; электроэнергетика; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; молия ва кредит.

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
(740000, Урганч ш., Ҳ. Олимжон кўчаси, 14, тел. 61674)
Кундузги бўлим:
математика; амалий математика ва информатика; физика; кимё; биология; география; ўзбек тили ва адабиёти; роман-герман филологияси (инглиз, немис тиллари); тарих; педагогика ва психология (мактабгача); мусиқа-педагогика; кимёвий технология ва биотехнология; технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; транспорт воситалари эксплуатацияси; жисмоний маданият; тупроқшунослик; касбга ўқитиш; иқтисодиёт; агроиқтисодиёт; даволаш иши; педиатрия иши: рус тили ва адабиёти; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; чизмачилик ва тасвирий санъат; қурилиш; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; информатика ва ҳисоблаш техникаси; архитектура.
Сиртқи бўлим:
тупроқшунослик; иқтисодиёт; жисмоний маданият; педагогика ва психология (мактабгача).

ХАЛҚТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(700064, Тошкент ш., Педагогика кўчаси, 103, тел 556331)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; физика-информатика; кимё; биология; география; тарих-ҳуқуқшунос; ўзбек тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; рус тили қўшимча ихтисослик билан «кореец тили ва адабиёти»; инглиз тили ва адабиёти; меҳнат-информатика; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; педагогика ва психология (мактабгача); педагогика ва бошланғич тарбия услубиёти; чизмачилик ва тасвирий санъат; сурдопедагогика; олигофренопедагогика; мусиқа-педагогика.
Сиртқи бўлим:
математика-информатика; география; тарих-ҳуқуқшунос; ўзбек тили ва адабиёти; педагогика ва психология (мактабгача); педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; сурдопедагогика: олигофренопедагогика; мусиқа-педагогика.

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(706800, Навоий ш., Ибн-Сино кўчаси, 45, тел. 30523)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; меҳнат-информатика; физика-информатика; тарих-ҳуқуқшунос; ўзбек тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; инглиз тили ва адабиёти; педагогика ва психология (мактабгача); педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; мусиқа-педагогика; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия.

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(442000, Нукус ш., Дўстназаров кўчаси, 104, тел. 24705)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; меҳнат-информатика; чизмачилик ва тасвирий санъат; биология; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; ўзбек тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; инглиз тили ва адабиёти; қорақалпоқ тили ва адабиёти; тарих-ҳуқуқшунос; педагогика ва психология (мактабгача); мусиқа-педагогика; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(708014, Жиззах ш., Носирова кўчаси, 4, тел. 31457)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; физика-информатика; биология; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; ўзбек тили ва адабиёти; тарих-ҳуқуқшунос; рус тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; инглиз тили ва адабиёти; меҳнат ва информатика; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.

АНГРЕН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(702500, Ангрен ш., Дмитров кўчаси, 4, тел. 22489)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; кимё; география; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; тарих-ҳуқуқшунос; рус тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; инглиз тили ва адабиёти; ўзбек тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; меҳнат-информатика; педагогика ва бошланғич таълим услубиёти.

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
(713000, Қўқон ш., Истамбул кўчаси, 63, тел. 23838)
Кундузги бўлим:
математика-информатика; физика-информатика; кимё; меҳнат-информатика; тарих-ҳуқуқшунос; ўзбек тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти миллий мактабларда; инглиз тили ва адабиёти; ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия; педагогика ва психология (мактабгача); педагогика ва бошланғич таълим услубиёти; мусиқа-педагогика.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

1-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(700048, Тошкент ш., Ҳамза кўчаси, 2, тел. 676276)
Кундузги бўлим:
даволаш иши; стоматология.

II-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(700100, Тошкент ш., Форобий кўчаси, тел. 464746)
Кундузги бўлим:
даволаш иши; даволаш - профилактика иши.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(700140, Тошкент ш., Ж.Обидова кўчаси, 223, тел. 625433)
Кундузги бўлим:
педиатрия иши.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
(700015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45, тел. 563839)
Кундузги бўлим:
фармация; биотехнология; агроэкология.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(730003, Андижон ш., Навоий кўчаси, 28, тел. 52692)
Кундузги бўлим:
даволаш иши; педиатрия иши.

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(705018, Бухоро ш., Навоий кўчаси, 1, тел. 30669)
Кундузги бўлим:
даволаш иши; стоматология.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
(703000, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18, тел. 333679)
Кундузги бўлим:
даволаш иши; педиатрия иши.

МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
(700164, Тошкент ш., м. Высоковольтный, сектор 39а, 127, тел. 628852)
Кундузги бўлим:
маданиятшунослик; халқ бадиий ижодиёти; кутубхонашунослик ва библиография.
Сиртқи бўлим:
маданиятшунослик; халқ бадиий ижодиёти; кутубхонашунослик ва библиография.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
(700052, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 31, тел. 331640)
Кундузги бўлим:
инструментал ижрочилиги; ашулачилик (академик ва анъанавий); дирижёрлик; композиция; мусиқашунослик.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ
(700000, Тошкент ш., Г.Лопатин кўчаси, 77, тел. 562983)
Кундузги бўлим:
актёрлик санъати; режиссёрлик; театршунослик; кино-телеоператорлик; рассомлик; графика; санъатшунослик; декоратив-амалий санъат; интерьер ва жиҳозлаш.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СПОРТ ҚЎМИТАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
(700012, Тошкент ш., Новомосковская кўчаси, 2, тел. 680397)
Кундузги бўлим:
спорт ўйинлари турлари бўлими; якка кураш спорт бўлими; спортнинг сув турлари бўлими; жисмоний соғломлаштириш турлари спорт бўлими; мураккаб координацион турлари спорт бўлими; умум жисмоний тайёргарлик.
Сиртқи бўлим:
умумжисмоний тайёргарлик.

АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
(700084, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 1, тел. 351040)
Кундузги бўлим:
телекоммуникацияли тармоқлар ва коммутация тизимлари; телекоммуникацион тизимлар ўтказмаси; менежмент; радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение.
Сиртқи бўлим:
телекоммуникацияли тармоқлар ва коммутация тизимлари; телекоммуникацион тизимлар ўтказмаси; менежмент; радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АДЛИЯ ИНСТИТУТИ
(700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35, тел. 334109)
Кундузги бўлим:
юриспруденция; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; юридик хизмат; давлат тузилиши ва бошқарув; ҳуқуқшунос-педагог.
Сиртқи бўлим:
юриспруденция; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; юридик хизмат; давлат тузилиши ва бошқарув.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
(700045, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1, тел. 911472)
Кундузги бўлим:
бухгалтерлик ҳисоботи ва хўжалик фаолияти таҳлили; темир йўл транспортида иқтисодиёт ва менежмент; автоматика, телемеханика ва алоқа; темир йўл транспортида юк ташишни ташкил этиш ва бошқариш; шаҳар электр транспорти эксплуатацияси; электр таъминот; ҳаракатдаги таркиб; вагонлар; саноат қурилиши; сув таъминоти; темир йўл қурилиши; кўприклар.
Сиртқи бўлим:
бухгалтерлик ҳисоботи ва хўжалик фаолияти таҳлили; темир йўл транспортида иқтисодиёт ва менежмент; автоматика, телемеханика ва алоқа; темир йўл транспортида юк ташишни ташкил этиш ва бошқариш; электр таъминот; вагонлар; саноат қурилиши; темир йўл қурилиши; ҳаракатдаги таркиб.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» БОШҚАРУВИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ
(703000, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 44, тел. 333872)
Кундузги бўлим:
бухгалтерлик ҳисоботи, хўжалик фаолияти таҳлили ва назорати; товароведлик ва товарлар сифатининг тижорий экспертизаси; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; маркетинг; молия ва кредит.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
(700000, Тошкент ш., Қ. Ниёзов кўчаси, 39, тел. 330919)
Кундузги бўлим:
қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаш (касбга ўқитиш); қишлоқ хўжалигини механизациялаш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш; сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни механизациялаш; сув хўжалиги қурилиши; қишлоқ хўжалигини электрофикациялаш ва автоматлаштириш; сув хўжалиги электр таъминоти; ер тузилиши; сув хўжалиги корхоналарида менежмент; сув хўжалигида бухгалтерлик ҳисоботи ва аудит.
Сиртқи бўлим:
қишлоқ хўжалигини механизациялаш; сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни механизациялаш; қишлоқ хўжалигини электрофикациялаш ва автоматлаштириш; ер тузилиши; сув хўжалиги корхоналарида менежмент; сув хўжалигида бухгалтерлик ҳисоботи ва аудит.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
(700183, Тошкент вилояти, Ялангоч қишлоғи, тел. 633700)
Кундузги бўлим:
агрономия; селекция ва генетика; агрокимё; мева-сабзавотчилик; ўсимликларни ҳимоя қилиш; пиллачилик; зоотехния; ўрмон хўжалиги; бухгалтерлик ҳисоботи; агроиқтисодиёт.
Сиртқи бўлим:
агрономия; агрокимё; мева-сабзавотчилик; зоотехния; бухгалтерлик ҳисоботи; агроиқтисодиёт.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
(711520, Андижон вилояти, Андижон тумани, тел. 11161)
Кундузги бўлим:
агрономия; мева-сабзавотчилик; пиллачилик; ўсимликларни ҳимоя қилиш; гидромелиорация; гидромелиоратив ишларни механизациялаш; қишлоқ хўжалигини механизациялаш; агроиқтисодиёт; бухгалтерлик ҳисоботи.
Сиртқи бўлим:
агрономия; агроиқтисодиёт; бухгалтерлик ҳисоботи.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
(700300, Самарқанд ш., К. Маркс кўчаси, 77, тел. 265979)
Кундузги бўлим:
агрономия; консервалаш технологияси; зоотехния; қишлоқ хўжалигини механизациялаш; агроиқтисодиёт; бухгалтерлик ҳисоботи; қоракўлчилик; ветеринария.
Сиртқи бўлим:
агрономия; зоотехния; қишлоқ хўжалигини механизациялаш; агроиқтисодиёт; бухгалтерлик ҳисоботи; қоракўлчилик.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари олий ўқув юртлари қабул комиссиялари томонидан 1995 йил 25 июндан 20 июлга қадар қабул қилинади. Олий ўқув юрти ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилади:
— ўрта ёки ўрта-махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий хизматга тааллуқлилиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Олий ўқув юртининг сиртқи бўлимига кираётган абитуриентлар иш жойларидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма тақдим этадилар.

Тест синовлари жойларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан кундузги бўлимларда — 1 августда ва сиртқи бўлимларда 10 августда ўтказилади.

Талабаликка конкурс асосида қабул қилиш абитуриентларнинг ижодий (профиль) имтиҳонлар ва тест синовларида тўплаган балларига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

Олий ўқув юртларига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 1995/96 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидалари тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

Футбол

АТЛАНТА ОЛИМПИАДАСИ САРИ

Бугун Тошкентда қизиқарли саралаш учрашувларидан бири ўтказилади

Мамлакатимизда футбол собит қадам ташламоқда. Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги тарихий қарордан кейин бу борада сезиларли жонланиш юзага келди. Мамлакат миллий чемпионати, терма жамоаларимизнинг халқаро учрашувлардаги иштироки самарали кечмоқда. Айниқса, Японияда ўтказилган Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг ғалаба билан қайтишлари мамлакатимиз футболининг халқ севган тури имкониятлари бениҳоя эканлигидан далолат берди. Муҳими футболчилар-у мутасадди-мутахассислар эришилаётган ютуқлар билан кифояланмай, кўпроқ изланиш, маҳорат ошириш, ҳар бир учрашувни жаҳон талабларига мос бўлиши ҳақида ўйламоқдалар. Олдинда йирик ва масъулиятли синовлар борлиги ҳаммага аён бўлиб турибди.

Шу кунларда мамлакат олимпиада терма жамоаси ана шундай муҳим синовдан муваффақиятли ўтиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Айтиш мумкинки, эришилган муваффақиятлар ҳам қувонарли. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни сафарда Қирғизистон терма жамоаси билан ўтказиб, ғалаба нашидасидан бахраманд бўлишди — 5:1. Бу ғалабага Дилмурод Назаров, Неъматилла Қуттибоев ўзларининг иккитадан тўплари билан муносиб ҳисса қўшган бўлсалар, Сергей Ли яна бир тўп билан ютуқни мустаҳкамлади. Мухлисларга маълумки, олимпиадачиларимиз иккинчи учрашувни «Пахтакор» ўйингоҳида ўтказдилар. Бу ўйинда ҳам Неъматилла ўзини кўрсатиб, ҳисобни очди. Мухтор Қурбонов жамоамизга ғалаба келтирди. Кўриниб турибдики, терма жамоамизнинг саралаш ўйинларидаги ютуқлар чакки эмас. Маълумки «Е» гуруҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон жамоалари иштирок этмоқда. Футболчиларимиз ҳозирча гуруҳда биринчи бўлиб турибди. Ўйинлар жадвали эса қуйидаги манзара олган.

	Ю	Д	М	Т	О
Ўзбекистон	2	0	0	7-1	6
Қозоғистон	1	1	0	5-2	4
Қирғизистон	0	1	1	3-7	1
Тожикистон	0	0	2	0-5	0

Бугун футболчиларимиз Қозоғистон терма жамоасини қабул қиладилар. Жадвалдан кўриниб турибдики, учрашув кескин ва муросасиз баҳсга айланади. Чунки, футболчиларимиз яна бир ғалаба билан мавқеларини мустаҳкамлашга зўр берсалар, меҳмонлар ўзига хос бурилиш ясашга интиладилар. Боиси, фақат гуруҳ ғолибигина курашни давом эттириш имкониятига эга бўлади. Мухлислар эса футболчиларимиз ғалабасига катта умид боғлашмоқда. Албатта, юртдошларимизнинг бугунгача давом этиб келган ғолибона юришларини тўхтатиб қолиш осон бўлмасада, ҳар қалай футбол тасодифларга бойлигини унутмаслик керак. Бугун бўладиган ўйиндан кейин жамоамиз 12 август куни Қирғизистон футболчиларини қабул қиладилар. Сўнг Тожикистон ва Қозоғистон сафарларида бўладиган ўйинлар билан футболчиларимиз ўз гуруҳларидаги ўйинларни якунлайдилар.

— Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини яхши биламиз, — дейди футболчиларимиз устози Мирзоҳид Ғуломов. — Зеро ниятимиз ҳолис. Қандай бўлмасин юртимиз муҳлислари ишончини қозониш. Истиқлолдан кейин биринчи марта мустақил давлат терма жамоаси сифатида олимпиада саралаш ўйинларида иштирок этаётган эканмиз, фахр ва масъулиятни ҳис этиб, футболимиз тарихида ўчмас из қолдиришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, жаҳон бўйича саралаш баҳсларида 121 мамлакат иштирок этмоқда. Лекин олимпиаданинг финал ўйинларига 15 та йўлланма ажратилган. Олимпиада ташкилотчилари — АҚШ терма жамоаси 16-йўлланмани бевосита олади.

Биз кўпроқ бир нарса ҳақида ўйлаймиз. У ҳам бўлса, Атланта олимпиадасида асосан 23 ёшдан ошмаган футболчиларнинг майдонга тушишларига рухсат этишади. Бордию23 ёшдан ошган бўлса, бундай футболчилар терма жамоа таркибида уч нафардан кўп бўлмаслиги лозим. Масаланинг ана шундай томонларини ҳисобга олишга тўғри келяпти. Демак футболчиларимизни янада ёшартириш лозим бўлади. Аммо Осиё мамлакатлари терма жамоаларига бериладиган уч йўлланмадан бирига эгалик қилиш учун катта меҳнат, тажриба ва маҳорат даркор. Бу жамоалар 8 гуруҳга бўлиниб, ўзаро баҳслашмоқдалар. Уларнинг орасида Хитой, Малайзия, Япония, Тайван, Корея, Покистон, Саудия Арабистони, Эрон каби йўлланмадан бирига даъвогарлик қилишга қодир мамлакатлар бор.

Курашни давом эттириш йўли ҳам анчагина чигал. Хусусан, гуруҳ ғолиблари аниқланган, 8 жамоа иккига бўлиниб яна ўзаро учрашади. Шундан кейин 1-гуруҳ ғолиби иккинчи гуруҳда иккинчи бўлган, иккинчи гуруҳ ғолиби эса биринчи гуруҳда иккинчи ўринни олган жамоа билан майдонга тушади. Омади чопган икки жамоа йўлланма эгаси бўлади. Мағлублар эса учинчи йўлланма учун баҳслашадилар. Шу тариқа йўлланма эгалари аниқланади. Албатта учта йўлланма қайси жамоаларга насиб этишини вақт кўрсатади. Биз ҳам мана шундай йўлланмадан бирига астойдил даъвогарлик қилиб, Атлантада бошланадиган олимпиада ўйинларида қатнашишни ният қилиб турибмиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

"СИНТЕЗ - АФ" «ФИРМАСИ» ҳурматли мижозлар эътиборига қуйидагиларни маълум қилади

— айланаси (диаметри) 76 мм, 57 мм, 50 мм, 32 мм бўлган металл қувурлар;
— кальций карбиди;
— Москва шаҳридаги "Пушкинский текстиль" фабрикасида ишлаб чиқарилган юқори ассортиментдаги жун (шерст) газламалар (11 турда);
— Франция парфюмерияси — "Divina" ва "Camelia" атирларини Тошкентдаги омбордан сотади.

Фирмамизда доимий ишлаш учун ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша оладиган, тижорат тизимида камида икки йил ишлаган маслаҳатчи ҳуқуқшунос керак.

Доимий ва бўлажак мижозларимизга янги манзилимизни маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Ботир Бобоев (собиқ Педагогическая) кўчаси, 142-уй. Мўлжал: Педагогика институти ёнида.

Телефонларимиз: 53-17-56, 53-14-13, 53-18-51, 53-18-33, 53-19-06, 53-10-33, 53-17-27, 53-14-58, 53-14-29, 53-10-45.

Дил изҳори

«СЎНГГИ ЎҚ» СЎНГГИ ЭМАС

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлманг. Мақола нима ҳақда экан деб. Дарҳақиқат, бугун биз Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» романини телевидениеда саҳналаштирган режиссёр Ҳайбатулла Алиев ижоди ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ҳайбатулла аканинг телевидениеда иш бошлаганига қарийб 40 йил бўлди. Шу йиллар ичида у ўзининг ажойиб кўрсатувлари, бетакрор телепостановкалари билан халқ меҳрини қозонди.

1960-62 йилларда муҳаррир Тамилла Қосимова билан биргаликда «Ажам ва тановар», «Жафо қилма», «Бир гўзал бормиш», «Сайдинг қўябер, сайёд» мусиқали лавҳаларини яратди. Биринчи бўлиб ўзбек операсини телевидениеда саҳналаштирди. Бу композитор Ҳ. Раҳимов, драматург Ў. Исмоиловнинг «Зафар» операси эди. 1974 йилда опера жонли эфирга кетган. Умуман, 70-йиллар телевидение ҳаётида ажойиб давр бўлиб, бир қатор иқтидорли режиссёрлар етишиб чиққан. Айниқса, С. Аноркулов Хидир Деряевнинг «Қисмат», Г. Ёқубов Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»сини, Ҳ. Алиев Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асарларини саҳналаштириши телевидение ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб, томошабинлар ва мутахассислар олқишига сазовор бўлган. Айниқса, «Уфқ» асари асосида қўйилган постановканинг марказий телевидение орқали намойиш этилиши катта воқеа бўлганди. Шундан кейин Ҳ. Алиев чет эл классиклари асарларига ҳам мурожаат қила бошлади.

Ҳ. Алиевнинг ижоди ҳақида гап юритар эканмиз, атоқли грузин ёзувчиси Н. Думбадзенинг «Абадият қонуни» асари асосида суратга олинган уч қисмли видеофильмни алоҳида таъкидлашни истардик. 1983 йилда экранлаштирилган бу асарни томошабинлар ҳаяжон билан кўрганлари ҳамон эсимда. Асар ёвузлик ва қабиҳлик, эзгулик ва одамийлик, муҳаббат ва садоқат каби мавзуларни ўз ичига қамраб олади. Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр Ҳ. Алиев ёзувчи кўтарган мавзуни маҳорат билан экранга олиб чиқиб гуржи халқининг қалбини кўрсата билган. Видеофильмнинг яна бир ютуғи — унда ажойиб актёрлар ансамбли яратилган эди.

Энди бевосита Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» романи асосида суратга олинган етти қисмли видеофильм ҳақида мулоҳаза юритсак. «Нега айнан шу асарга мурожаат қилдингиз?» деб сўраганимизда Ҳайбатулла ака шундай жавоб бердилар:

— Ўзбек адабиётида охирги 30-40 йиллар ичида яратилган бадиий асарларнинг деярли ҳаммасини ўқиганман десам, муболаға бўлмас. «Сўнгги ўқ»ни дастлаб «Шарқ юлдузи» журналида ўқидим ва тўғриси баъзи жойларида даҳшатга тушиб ўқиёлмай қолдим. Ахир битта инсоннинг бошига шунча ғам, шунча кулфатлар тушиши мумкинми? Лекин ҳаётни чуқурроқ мушоҳада қилсак, кўп ватандошларимизнинг бошига Жаҳонгир кўрган-кечирган савдолар тушган-да. Воқеалар ривожлантирилиб, образлар кенгайтирилиб, янги саҳналар ёзилди. Бу соҳада ёзувчининг ўзи ҳам катта ёрдам берди. Бу асарни халққа экран орқали етказганимдан фахрланаман. Асардаги бош қаҳрамон Жаҳонгир образи ҳақида гапирсам. Асар охирида, яъни жар ёқасидаги эпизодда кузатсангиз, унинг муомаласида, гапларида бошқача оҳанглар чиқиши керак эди. Мумкин экан-ку ахир, тухматлардан қутулиш, Жаҳонгирни — Ёдгор Саъдиевни ўйлатиш, ўйнатиш керак эди. Буни актёр ҳам, режиссёр ҳам сезмаганмиз...

Ҳа, Ҳайбатулла ака, ҳатто телетомошабинларга манзур бўлган асарлардан ҳам қониқмайди. Режиссёр доимо ўзига ҳам, актёрларга ҳам талабчан. Илло, «Сўнгги ўқ»нинг ижодида охирги нуқта бўлиб қолмаслигини тилаб қоламиз.

Зулайҳо СОБИТОВА.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 26

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот курсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.40 "Ҳаракатда баракат".
19.00 "Аёл борки, олам мунаввар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Футбол шарҳи.
20.05 Бастакор Сайфиддин Йўлдошев қўшиқлари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Уйғун. "Парвона". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Тафсилот".
19.15 "Деҳқон ҳиммати".
19.45 "Ҳамкасблар".
20.15 "Ҳамшира-95" кўрик-танлови.
21.05 — 22.20 "Соат 12 да бошлик келади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Агар..." Курсатувни В. Познер олиб боради.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20,40 "Репортёр".
20.55 "Ҳақиқат онлари". А. Караулов саволларига В. Сипачев жавоб беради.
21.50 "Автомиг".
22.00 "Вести".
22.25 — 22.35 "Тафсилотлар".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мульткарусель".
19,00 "Туркистон" камер оркестри чалади.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 Жаҳон география-си.
21.30 Эълонлар.
21.35 Видео — "О".
23.15 Эълонлар.
23.20 "Курьер".
23.40 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.50 — 24.00 "Постфактум".

СЕШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Довюрак капитан қиссаси". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 Болалар учун концерт.
10.30 "Абитуриент-95". Физика.
11.00 — 13.00 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
18.40 "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Компютер-шоу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Матбуот ва давр". Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.40 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 1-серия.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 Табиат дунёси.
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 Янгиликлар.
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 "Теле-ателье-шоу".
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 23.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

***

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Мавзу".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Илк манбадан".
20.55 "Останкино" хит-паради.
21.25 "Севги мунажжими".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.35 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг курсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21,00 "Дийдар". Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари (қозоқ тилида).
21.40 "Соккер-клуб".
22.25 — 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Кенжатойдан қурқ, эй ғаним". Бадиий фильм.
9.10 "Компютер-шоу".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Болалар учун. "Ёзимиз соз утмоқда".
10.50 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
11.20 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.50 — 12.25 Тошкент маданият техникуми ўқитувчи ва талабаларининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча". Мультфильм.
18.20 "Нон таъми".
18.45 "Туркистон — умумий уйимиз".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Бош мезон".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21,25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Андижон вилояти.
22.10 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 2-серия.
22.55 Эълонлар.
23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.25 — 00.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "МҲСК" — "Навруз".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўзим ҳақимда...".
19.00 Р. Муродов, Э. Охунова. "Садоқат достони".
19.45 "Жонли тил".
20.45 "02" тўлқинида.
21.10 "Ёдингдами, дўстим..."
21.25—23.05 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

***

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Эслаб, излаб". Зоя Федорова.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 ЎзТВ. Телефильм.
20.50 "Кутиш зали".
21.40 Криминал хабарлар экрани.
21.50 "Давр дарёси".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.35 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадиий фильм (АҚШ).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Ов ҳақида ҳикоя-лар". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 — 23.40 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Шимол ёғдусини ёқинг". Бадиий фильм.
9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.45 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.15 "Оламни асранг!"
10.50 — 11.40 Тошкент хореография билим юрти битирувчиларининг концерти. А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театридан ёзиб олинган.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. "Фарзанд — умид қолдузи".
18.40 "Инсон ва қонун". Гиёҳвандликка қарши кураш.
19.05 "Ўзбекистон жамоли".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Севгим қўшиғимда". Киноконцерт.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ўзбекистон халқ ҳофизлари". Орифхон Ҳотамов, Муҳаммаджон Каримов.
22.10 Бевосита мулоқот.
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 3-серия.
23.35 Эълонлар.
23.40—00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Қунгил".
18.40 Муҳаббатга ошно қалблар.
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
20.30 — 22.10 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

***

18.10 "Тиғиз пайт".
18.35 Спортнинг етти куни. Баскетбол.
19.05 "Эслашлари учун..." Ю. Демич. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.40 "Ўз-ўзига режиссёр".
21.10 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.
21.40 "Киноафиша".
21.50 "Автомиг".
22.00 "Вести".
22.25 — 22.35 "Тафсилотлар".

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Вазият".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Маданиятимиз дурдоналари".
21.35 — 22.20 "Кунгил кўприклари".

ЖУМА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Содиқ дўстим Санчо". Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.50 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
10.15 "Бола бошидан..."
10.50 "Қўшиғимиз сизга армуғон". Мусиқий кўрсатув.
11.25 — 11.55 "Иқтисодимиз таянчи".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнгирокча".
18.40 "Булоқлар кўз очганда".
18.55 "Миллий хавфсизлигимиз кафолати".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Бўстон" телевизион журнали.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Маърифатнома".
22.00 "Ўзбек суми".
22.45 ЎзТВ хазинасидан. "Хотира". Халқ артисти Тамарахоним.
23.55 Эълонлар.
24.00—00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Ёшлар ижро этади.
19.00 "Тақдир".
19.30 "Шаҳар юмушлари".
20.30 Раъно Шарипова иштирокида мусиқий кўрсатув.

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00 "Телетонг".

*

18.10 "Ёввойи дала".
18.30 "Инсон ва қонун".
19.00 "Муъжизалар майдони".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

*

20.45 "Лидер-прогноз".
21.10 "К-2" таништиради.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 "Автомиг".
22.40 — 23.40 "А" дастури.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Ҳуқуқий жамият сари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

*

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.00 "Компютер-Осиё".
21.30 "Панорама".
22.00 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".
22.25 Эълонлар.
22.30 "Даракчи".
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.25 Видео — "О".

ШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса". Бадиий фильм.
9.25 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
10.50 "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".
11.30 — 13.30 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби..
18.00 "Фунтик ва мўйлабли кампиршо". Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 "Фанга бағишланган умр". Академик Ғани Мавлонов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" Давлат рақс ансамблининг хонандаси Эркин Рузиматов қуйлайди.

Санъат ғунчалари.

20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Актёрлар ва роллар". Фарҳод Абдуллаев.
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 Табиат дунёси.
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 Янгиликлар.
10.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанг-лари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 "Теле-ателье-шоу".
11.40 "Эм-Ти-Ви" оҳангари ва Эълонлар.
12.20 "Кинонигоҳ".
14.00 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

*

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Хонадонингизда осойишталик бўлсин!"
20.40 "Дарвоқе...".
21.05 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.10 Луи де Фюнес "Жандарм ва юбка кийган жандармлар" комедиясида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 Баскетбол. Европа чемпионати. Эркаклар. 1/4 финал. Грециядан кўрсатилади.

*

22.00 "Вести".
22.25 "Автомиг".
22.30 — 23.10 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Айчурек" (қирғиз тилида).
10.40 — 11.10 "Мюзик-холл".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Интердиалог".
20.30 "Чинсэн".
21.10 "Безнен мирас (татар тилида).
21.50 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик оқшоми".
22.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.45 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Нафосат оламида".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.45 — 12.35 "Меҳмон". А. Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Еттига етти". Телеўйин.
18.40 "Аҳвол қандай, чемпион?"
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Якшанба оқшомида". Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Истиқлол рамзи".
21.45 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.45 Бадиий фильм.
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.35 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Қунгил".
10.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00— 13.40 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 "Салом, ёшлар!"
18.10 Жаҳон географияси.
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео —"О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "...яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 Дэвид Копперфильд.
22.05 "Панорама".
22.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.55 "Даракчи".
23.05 Эълонлар.
23.10—00.50 Видео —"О".

ЎзТВ III
"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Юзма-юз". Кўрсатувни А. Любимов олиб боради.
18.30 "Санамлар, санамлар...". Тото Кутуньо.
19.10 "КВН-95". Мавсумнинг тўртинчи ўйини.
21.00 "Якшанба".

*

21.50 Телефильм.

*

22.25 "Ксюша ҳузурида".
23.00 — 23.40 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 Мультфильм.
9.55 "Жонли сайёра".
10.15 "Менинг кучам".
10.30 "Эсдалик учун даст-хат".
10.50 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.35 — 12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Бу ажиб дунё".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".
20.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
22.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.40 — 00.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0238.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФ